

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 366.221(575.1)**

Маликов Абдуллажон Тоҳирович

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ
САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2011

**Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академиясида бажарилган.**

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Хайдаров Низомиддин Хамроевич.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Олимжонов Одил Олимович;

иқтисод фанлари номзоди, доцент
**Эшонов Мухаммад-Айюб
Ҳошимжон ўғли.**

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги.**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил “___” _____ соат ____да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил “___” _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
иқтисод фанлари доктори**

Ф.И.Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ тизими олдиға қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ушбу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Ўз навбатида, солиқ тизимининг самарали фаолият кўрсатиши эса, мамлакатда солиқ маъмурчилиги қандай ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Юқоридаги сабабларга кўра, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ маъмурчилиги масалаларига алоҳида эътибор берилмаётганлиги бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиёти принцип-ларига жавоб берадиган солиқ тизимининг шаклланганлиги, Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексининг қабул қилинганлиги, солиқларни бошқаришнинг замонавий методлари ва механизмларининг жорий этилган-лиги, солиқ органлари яхлит тизимининг яратилганлиги бозор инфрату-зилмасини шаклланиши ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Бироқ, мамлакатимиз амалиёти ва илғор хориж тажрибасининг чуқур таҳлили республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, таҳлилларнинг кўрсатишича, солиқ органларининг функциялари, ваколатлари ва тузилмаси замонавий талабларга тўлиқ жавоб бераолмаяпти, улар фискаль-молия органлари тузилмасида, энг аввало, солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, Давлат бюджетининг даромад қисмини барқарор шакллантиришнинг белгиланган топшириқларини бажариш масалаларида ҳали етакчи ўринни эгаллагани йўқ¹.

“Илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ишларни ташкил этишнинг замонавий шакл ва методларидан зарур даражада фойдаланилмаяпти, солиқ қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ахборот-таҳлилий ишлар суёт олиб борилмоқда”² ва ҳ.к.

Мамлакат аҳолиси, шунингдек, хўжалик субъектлари солиқ маъмурчилиги тўғрисида аниқ ва тўлиқ тасаввурга эга эмас. Иқтисодий адабиётда солиқ маъмурчилиги хусусида турлича иқтисодий қарашлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш эҳтиёжи вужудга келмоқда. Юқоридаги масалаларга аниқлик киритмасдан туриб, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришни амалга ошириб бўлмайди.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатларнинг барчаси танланган диссер-тация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради, ушбу мавзуда мустақил, махсус чуқур илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқ маъмурчилигининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган дастлабки ишлар россиялик иқтисодчи олимлар Бурцев Д.Г., Грунина Д.К., Горский И.В., Дадашев А.З., Дуканич Л.В., Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. ва

¹ “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 1257-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2010 йил 8 январь.

² Қаранг: ўша ерда.

бошқалар томонидан амалга оширилиб, уларда Россия Федерациясидаги солиқ маъмурчилигига тегишли бўлган ҳолатлар ўз аксини топмоқда³.

Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигининг айрим амалий жиҳатлари О.Қ.Абдурахмонов, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, О.К.Иминов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Б.Э.Тошмуродова, Ш.А.Тошматов, Қ.А.Яхъеев, Н.Р.Қўзиева, Н.Х.Ҳайдаров ва бошқаларнинг илмий ишларида⁴ таҳлил қилинган. Бироқ, ушбу масала ҳозирга қадар илмий тадқиқотчилар томонидан мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, уни амалга оширишнинг механизми ва унинг дастаклари ишлаб чиқилмаган.

Илмий муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарли даражада ўрганилмаганлиги, ҳал этишнинг илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш масалаларини алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

- солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг назарий масалаларини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда солиқ тўловчилар билан солиқ органларининг фаолиятини ташкил этиш ҳолатини баҳолаш ва тенденцияларини аниқлаш;
- солиқ органлари назорат ишларининг шакллари ва методларини таҳлил қилиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш;

³ Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. Налоговое администрирование. Учебное пособие. М.: изд-во Омега Л., 2005. – 408 с.; Грунина Д.К. Основы налогового администрирования. – М.: ФА при Правительстве РФ, 2003. – 148 с.; Дадашев А.З., Лобанов А.В. Налоговое администрирование в Российской Федерации. – М.: Книжный мир, 2002. – 202 с.; Бурцев Д.Г. Изменения в налоговом администрировании в условиях модернизации налоговых органов // Налоговый вестник. 2002. № 1. С.23-27.

⁴ Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш / Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009. – 448 б.; Ваҳобов А. ва бошқ. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2005. – 480 б.; Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ф. Солиқ назарияси. – Т.: ТМИ, 2004. – 210 б.; Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. – С.: СКИ, 2002. – 366 б.; Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Akademiya”, 2005. – 130 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 202 б.; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 472 б.; Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2005. – 265 б.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми / Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли / Монография. –Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Яхъеев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 248 б.; Ҳайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Akademiya”, 2007. – 256 б. ва бошқалар.

- солиқ маъмурчилиги тизимида ҳисоб-аналитик информацияларни шакллантириш ҳолатини баҳолаш;

- солиқ маъмурчилиги сифатини қиёсий баҳолаш ва ошириш йўлларини белгилаш;

- мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

- солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари фаолияти танланган.

Тадқиқот предмети – солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва самарали ташкил этиш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, иқтисодий-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси шундан иборатки, илмий ишда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни амалиётда қўллаш натижасида мамлакатимизда солиқ маъмурчилиги самарали ташкил этилиши ва у янада такомиллаштирилиши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг назарий асослари тадқиқ қилинган, солиқ тизими самарадорлигини оширишда унинг ўрни баҳоланган ва солиқ маъмурчилиги ривожланиш тенденциялари аниқланган;

- мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини ташкил этиш ҳолати таҳлил қилинган ва мавжуд бўлган муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

- ҳозирги шароитда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқланган.

Илмий янгилиги:

- солиқ маъмурчилигининг моҳияти очиб берилган, унинг характерли белгилари аниқланган ва унга такомиллашган муаллифлик таърифи берилган;

- солиқ маъмурчилиги функцияларининг мазмуни очиб берилган, ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва уларни таснифловчи чизмалар ишлаб чиқилган;

- солиқ маъмурчилиги ташкил этилишининг ҳолати баҳоланган, муаммолари ва уларнинг вужудга келиш сабаблари аниқланган;

- илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва иқтисодиётни модернизациялаш талабларидан келиб чиққан ҳолда, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий жиҳатдан асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан солиқ

маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, келажакда чуқур ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти диссертациянинг илмий таклиф ва амалий тавсиялари республикамиз солиқ тизимида солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришда, унга доир тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги” ва “Солиқ менежменти”, “Солиқ муносабатларини оптималлаштириш” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида олинган асосий натижалар, хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (16/2-68-сонли 2011 йил 19 апрелдаги далолатнома), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (07/4-1159-сонли 2011 йил 14 июндаги маълумотнома), Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси (01-277-сонли 2011 йил 14 апрелдаги маълумотнома) томонидан амалиётда ва ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши натижалари “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши” (Тошкент, 2008), “Мамлакат солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш – иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида” (Тошкент, 2008), “Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы” (Тошкент, 2008), “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари” (Самарқанд, 2008), “Иқтисодиётни модернизациялашда солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишдаги солиқ механизмнинг ўрни” (Тошкент, 2009), “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини шакллантириш масалалари” (Тошкент, 2010), “Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш шароитида солиқ муносабатларини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари” (Тошкент, 2010), “Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ва инқироздан кейинги барқарор ривожланишни таъминлашда банк-молия тизимининг ўрни” (Тошкент, 2010), “Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари” (Тошкент, 2011) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий семинари ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари 14 та илмий мақола ва тезислар кўринишида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий матни 137 бет бўлиб, унда олтита жадвал, 14 та расм ва тўртта илова мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда куйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим: а) солиқ маъмурчилиги солиқ муносабатларини бошқариш тизимидир; б) солиқ маъмурчилиги давлат солиқ сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат қилади; в) солиқ маъмурчилиги солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради; г) солиқ маъмурчилиги солиқ ҳуқуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуқтаи-назардан солиқ механизмининг ўзига хос стержени сифатида талқин этиш мумкин; д) солиқ муносабатлари солиқ маъмурчилиги предметини ташкил этади; е) солиқ маъмурчилиги моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкинбўлган функциялар орқали намоён бўлади.

Солиқ маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёсатини ташкил этишнинг принциплари муҳим роль ўйнайди. Ушбу принципларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) солиққа тортиш жараёнларини маъмурий бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик); 2) солиқларнинг иқтисодиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тенг тақсимланиш); 3) солиқ муносабатларининг қонун нуқтаи-назаридан аниқлигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлик).

Фикримизча, солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи ушбу жараёнда эътиборга қаратилиши керак бўлган барча ҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи куйидагича таъриф бериш мумкин: “Солиқ ҳуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қиладиган, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимига солиқ маъмурчилиги дейилади”⁵.

Бизнингча, солиқ маъмурчилиги мазмун-моҳиятини янада тўлароқ ифодалаш мақсадида унга берилган янги таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, яна икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда

⁵Бу ерда ва бундан кейинги ўринларда “солиқ муносабатлари” деганда амалдаги солиқ қонунчилигига, жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси”га мувофиқ равишда ушбу муносабатларни ифодалашга хизмат қилувчи барча ҳолатлар (иштирокчилар) назарда тутилаяпти. Шу маънода “солиқ муносабатлари” солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, режалаштириш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни, шунингдек, солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган муносабатларни ўз ичига олади.

инобатга олинган. Бу, биринчидан, солиқ маъмурчилигининг солиқ ҳуқуқи қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Солиқ маъмурчилиги маълум маънода, бевосита бошқарувга дахлдор бўлганлиги учун унга бошқарувга тегишли бўлган барча функциялар хосдир. Шунинг учун ҳам, солиқ маъмурчилиги функциялари таркибига, умумий тарзда, қуйидагиларни киритиш мумкин: а) режалаштириш; б) ҳисобга олиш; в) назорат; г) тартибга солиш. Бироқ, солиқ маъмурчилиги функцияларининг бу тарзда ифодаланиши, фикримизча, мавҳум бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини мутлақо ифода этмайди. Шунинг учун солиқ маъмурчилиги функцияларида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқ акс эттирилиши ва бу функцияларнинг фақат солиқ маъмурчилигига хос эканлиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар солиқ маъмурчилигининг, энг аввало, солиқ муносабатларини бошқариш тизими эканлиги ҳисобга олинган бўлса, у ҳолда унинг функцияларини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин: 1) солиқ муносабатларини режалаштириш; 2) солиқ муносабатларини ҳисобга олиш; 3) солиқ муносабатларини назорат қилиш; 4) солиқ муносабатларини тартибга солиш.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари кўрсатишича, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан, шу жойда қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, дастлабки муаммо сифатида солиқ салоҳияти, жумладан, ҳудудларнинг солиқ салоҳияти етарли даражада тўғри башоратланмаётганлиги ва баҳоланмаётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бюджет тизимининг турли даражаларида солиқ тушумларининг режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга, минтақаларнинг солиқ фаоллиги даражаси ва солиқ имкониятларини аниқлаш, таққослаш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини етарли даражада тавсифлаш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатни турли солиқлар бўйича солиқ тушумларининг мамлакатимиз, жумладан, алоҳида олинган маъмурий ҳудудлар бўйича режалаштирилиши ва ушбу кўрсаткичларнинг ҳисобот даврида бажарилишини характерлайдиган кўрсаткичлар яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилишда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим:

- солиқларни бюджетга йиллар бўйича ундирилиш режаларининг бажарилишида Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий ҳудудлари бўйича нореал, етарлича асосланмаган, субъектив омилларнинг таъсирида тузилишига йўл қўймаслик керак;

- солиқ тушумлари бўйича тузилган режаларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий равишда боғлиқлигини таъминлаш лозим;

- мамлакат ва унинг маъмурий ҳудудлари миқёсида солиқларни солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ўз вақтида тўламаслик, молия-бюджет-тўлов интизомига риоя қилмаслик ҳолларининг содир этилаётганлигига чек қўйиш зарур;

- солиқлар бўйича берилган имтиёزلардан нотўғри фойдаланиш, солиққа тортиш базасини онгли равишда нотўғри белгилаш, тегишли солиқ ставкаларини нотўғри қўллаш ҳолатларининг олдини олишга эришмоқ керак;

- аксарият ҳолларда объектив сабаблар ва келгуси даврларда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий вазиятни инобатга олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қўйилаверишига чек қўйиш зарур.

Солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳияти ва унинг функциялари хусусидаги якуний тасаввурни қуйидагича ифодалаш мумкин, (1-расм).

Диссертация ишида Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини ташкил этиш ҳолатининг таҳлили қуйидаги жиҳатларда, а) солиқ тўловчилар билан солиқ органларининг ишини ташкил этиш ҳолати; б) солиқ органлари назорат ишларининг шакллари ва методлари таҳлили; в) солиқ маъмурчилиги тизимида ҳисоб-аналитик информацияларни шакллантириш ҳолати; г) солиқ маъмурчилигининг сифатини баҳолаш йўналишларида амалга оширилган, ҳолати баҳоланган, мавжуд муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланган.

Солиқ тўловчилар билан солиқ органларининг ишини ташкил этиш ҳолатига баҳо бериш учун, фикримизча, камида қуйидаги уч йўналишдаги ишларнинг ташкил этилиш ҳолатини таҳлил қилиш лозим: а) солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати; б) солиқ тўловчилардан солиқ декларациялари, бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа маълумотларни қабул қилиш самарадорлиги; в) информацион ишлар.

Солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш мақсадида унинг ташкил этилиш ҳолати баҳоланаётганда, бизнинг фикримизча, қуйидагиларга жиддий эътибор бериш лозим:

а) мамлакатимизда ҳозирда солиқ тўловчиларни қабул қилиш солиқ инспекцияларида ҳар иш куни давомида амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада тегишли тартиб интизом кейинги 5-7 йил давомида кескин ўзгарган ва мустаҳкамланган бўлишига қарамасдан, айрим солиқ инспекцияларида субъектив омилларнинг таъсирида ўрнатилган тартибнинг бузилишига йўл қўйилмоқда;

б) солиқ тўловчиларни қабул қилиш хонасини ташкил этиш ва уни жиҳозлашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, туман (шаҳар) солиқ инспекцияларининг ички ва ташқи қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, айрим солиқ инспекцияларидаги солиқ тўловчиларни қабул қилиш хонасини ташкил этиш ва уни жиҳозлаш ҳозирги



1-расм. Солиқ маъмурчилиги ва унинг моҳиятини ифодаловчи функцияларнинг мазмуни⁶

⁶ Тадқиқот натижаларига кўра диссертант томонидан тузилган.

кун талаблари даражасига жавоб бермайди⁷;

в) солиқ тўловчиларни қабул қилишни амалга оширадиган ходимларнинг иш ўринларини кўрсатувчи стенд, инфор­мацион стендлар, солиқ тўловчиларни овозли огоҳлантирувчи овозли тизимлар, ахборот-ҳуқуқли тизимларга эга бўлган компьютер, навбатда турувчиларни бошқарувчи электрон тизим, рангли инфор­мацион таблоларнинг ҳар бир солиқ инспекциясининг операцион залида бўлиши кераклигини эътиборга олиб уларнинг солиқ тўловчилар билан ишлаш ҳолатига баҳо берилар экан, ушбу бандда келтирилган юқоридаги ҳолатларнинг дастлабки иккитаси борасида маълум ишлар амалга оширилганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, солиқ инспекциялари фаолиятида аризаларнинг жавобини беришдаги ноаниқликлар, уларнинг етарли даражада ишонарли эмаслиги, уларда баъзи бир саволлар жавобларининг очик қолдирилганлиги, жавоб бериш муддатларининг асоссиз узайтириб юборилганлиги каби камчиликлар учраб туради.

Солиқ органларининг солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати солиқ тўловчининг бюджет билан ҳисоб-китобларини текшириб олиш орқали ифодаланганда солиқ тўловчининг ташаббуси эътиборга олин­адиган бўлса, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи­назаридан бу ерда ҳали анча ишлар қилиш кераклиги маълум бўлади.

Ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, бериш ва солиқ тўловчиларни бюджет билан ҳисоб-китоблар аҳволи тўғрисида хабардор қилиш борасидаги ишлар ўз ичига Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимига солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашга асос бўлиши мумкин бўлган солиқ декларациялари, бухгалтерия ҳисоботлари ва шуларга тегишли бўлган бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш билан боғлиқ бўлган ҳолатларни қамраб олади. Бу ерда солиқ органлари ишининг сифатига салбий таъсир қилувчи омилларнинг аксарияти, асосан, солиқ тўловчиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлса, бошқа бир қисми эса солиқ органлари фаолиятига бориб тақалади.

Амалга оширилган таҳлил натижалари кўрсатишича, солиқ органлари ишининг сифати баҳоланганда, ҳар икки йўналиш бўйича тегишли кўрсаткичларнинг даражаси нисбатан пастлиги билан характерланади. Чунки, солиқ инспекцияларида солиқ тўловчиларни индивидуаль тарзда хабардор қилиш ва расмий равишда хабардор қилишда катта имкониятлар мавжуд, (1-жадвал).

1-жадвалдаги ҳолат солиқ тўловчиларнинг ўзига хос бўлган субъектив фикрларини ўзида ифода этади. Уларда, аксарият ҳолларда, солиқ тизимига нисбатан асоссиз бўлмаган эътирозлар, норозилик кайфиятлари ўзини мужас-

⁷ Албатта, бу ўринда барча солиқ инспекцияларига нисбатан бир хил фикрни билдириб бўлмайди. Уларнинг бир қисми намунавий солиқ инспекциялари қаторига кирса, бошқа бир қисмини эса ушбу гуруҳга киритиб бўлмайди.

Солиқ органларининг солиқ тўловчиларни индивидуаль тарзда хабардор қилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятини баҳолашга доир сўровнома натижалари⁸

т/р	Кўрсаткичлар	Сони	
		Нафарда	Фоизда
1.	Сўровномада иштирок этган респондентларнинг умумий сони	2294	100,0
2.	Солиқ органларининг фаолиятини “аъло” баҳолаган респондентлар	16	0,7
3.	Солиқ органларининг фаолиятини “яхши” баҳолаган респондентлар	67	2,9
4.	Солиқ органларининг фаолиятини “қониқарли” баҳолаган респондентлар	557	24,3
5.	Солиқ органларининг фаолиятини “қониқарсиз” баҳолаган респондентлар	1654	72,1

сам этган бўлиши мумкин. Шунинг учун юқорида келтирилган рақамлардан, фикримизча, қатъий бир хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Ушбу ҳолатнинг мавжудлиги мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини ташкил этишнинг ҳолатини баҳолашда муҳим бўлиб, республикаимизда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан катта имконият ва захиралар мавжудлигини кўрсатапти.

Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларни хабардор қилиш масаласида, фикримизча, телевидение, радио, интернет ва уяли алоқа телефонларининг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Масалан, солиқ тўловчиларни хабардор қилишда асосан телевидениенинг имкониятларидан фақат жисмоний шахсларнинг даромадларини тўлиқ солиққа тортиш мақсадида фойдаланилмоқда. Худди шу мақсадда охириги йилларда уяли алоқа телефонларининг “SMS” орқали хабар қилиш йўлидан ҳам фойдаланилмоқда. Булар яхши, албатта. Лекин, назаримизда, бу йўналишдаги ишларни янада кенгроқ миқёсда давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Солиқ органлари тизими томонидан солиқ тўловчилар билан олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишда замонавий инфор­мацион технологияларнинг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай технологияларнинг жорий этилиши солиқ тўловчиларга солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини янгича топширишни ташкил қилишга имконият беради. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган (маъқулланган) ва амалиётга муваффақиятли

⁸ Сўровнома тадқиқотчи томонидан 2009-2010 йилларда мамлакатимиз барча минтақаларида ўтказилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг куйи органлари томонидан жойларда хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва тадбиркорлар билан ўтказилган турли тадбирларда иштирок этган солиқ тўловчилар ихтиёрийлик асосида жалб қилинган.

жорий этилаётган “БЭМ” (“Бухгалтерга электрон мадад”) дастури ҳозирда катта аҳамият касб этмоқда.

Республикада солиқ маъмурчилигини ташкил этиш аҳволига баҳо бериш нуқтаи-назаридан солиқ органлари назорат ишларининг шакллари ва методларининг қандай амалга оширилаётганлигини аниқлаш учун, фикримизча, қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: а) солиқ текширувлари ўтказилиши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони; б) маълум бир даврда мамлакатимизнинг давлат бюджетига келиб тушган солиқ ва йиғимларнинг умумий суммаси; в) йил давомида ўтказилган текширувларнинг сони; г) солиқ текширувларини амалга ошириш жараёнида аниқланган қонунбузарликларнинг умумий суммаси, (2-жадвал).

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлардан қуйидаги хулосаларни қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш мумкин:

1) тадқиқот жараёни амалга оширилган даврда фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг сони қарийб 1,7 бараварга ортган ҳолда, солиқ текширувларининг сони эса, аксинча, 1,8 бараварга камайган;

2) 2006-2008 йилларда ўтказилган солиқ текширувларининг сони йилдан-йилга муттасил ўсиб бориш тенденциясига эга. Мазкур йилларда текширилиши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони 5,2% га ортган бўлса, шу даврда ўтказилган солиқ текширувларининг сони 16,4% га ўсган, яъни шу даврда солиқ текширувлари сонининг ўсиш суръатлари текширилиши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сонининг ўсиш суръатларидан нисбатан қарийб 3,2 бараварга юқори бўлган;

3) солиқ органлари томонидан ўтказилган текширувлар ва улар натижасида аниқланган қонунбузарликларнинг суммалари ўртасида 2003-2010 йилларда боғланишлар бир хил бўлмаган ва айрим ҳолларда, бир-биридан тубдан фарқ қилган;

4) 2003-2010 йиллар давомида солиқ текширувлари натижасида аниқланган қонунбузарликлар суммаларининг ўзгаришига нисбатан қатъий шаклланган тенденцияни аниқлаб бўлмайди;

5) текширилиши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони ва йил давомида давлат бюджетига келиб тушган солиқ ва йиғимларнинг умумий суммасига дахлдор бўлган рақамлардаги ўзгаришлар 2003-2010 йилларда ҳар бир йил бўйича улар ўтган йил билан таққослаганда мусбатлигича қолмоқда. Афсуски, қолган бошқа тўртта кўрсаткичлар бўйича, яъни, йил давомида амалга оширилган солиқ текширувлари умумий сони, солиқ текширувларини ўтказиш натижасида аниқланган қонунбузарликларнинг умумий суммаси, аниқланган қонунбузарлик суммаларининг солиқ тушумларининг умумий суммасидаги салмоғи ва ҳар бир текширувда аниқланган қонунбузарликларнинг ўртача суммасига нисбатан бундай фикрларни билдириб бўлмайди. Чунки, 2003-2010 йиллар мобайнида ушбу кўрсаткичлардаги ўзгаришлар йиллар бўйича таққосланганда мусбат ва манфий ишорага эга бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигим ташкил этилишига баҳо бериш мақсадида солиқ органлари томонидан амалга оширилган текширувларнинг натижалари ва уларнинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши⁹

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р							
		2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
1.	Текширилиши мумкин бўлган хўжалик юри-тувчи субъектларнинг умумий сони - унинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши, (+, -)	325 150 -	353 382 +28 232	395 863 +42 481	477 124 +81 261	489 380 +12 256	501 780 +12 400	528 572 +26 792	549 935 +21 363
2.	Йил давомида давлат бюджетига келиб тушган солиқ ва йиғимларнинг умумий суммаси, (млрд. сўмда) - унинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши, (+, -)	1 639,6 -	1 970,4 +330,8	2 739,4 +769,0	3 514,7 +775,3	4 774,6 +1 259,9	6 776,4 +2 001,8	8 365,4 +1 589,0	9 637,6 +1 272,2
3.	Йил давомида амалга оширилган солиқ текши-рувларининг умумий сони - унинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши, (+, -)	59 660 -	55 879 -3 781	43 692 -12187	35 267 -8 425	38 247 +2 980	41 066 +2 819	32 020 -9 046	32 997 +997
4.	Солиқ текширувларини ўтказиш натижасида аниқланган қонунбузарликларнинг умумий суммаси, (млрд. сўмда) - унинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, (+, -)	130,6 -	305,6 +175,0	203,3 -102,3	248,5 +45,2	195,7 -52,8	381,5 +185,8	515,0 +133,5	576,4 +61,4
5.	Аниқланган қонунбузарлик суммаларининг солиқ тушумларининг умумий суммасидаги салмоғи, (% да) - унинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши, (+, -)	8,0 -	15,5 +7,5	7,4 -8,1	7,1 -0,3	4,1 -3,0	5,6 +1,5	6,2 +0,6	6,0 -0,2
6.	Ҳар бир текширувда аниқланган қонунбузарлик-ларнинг ўртача суммаси, (млн. сўмда) - унинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши, (+, -)	2,2 -	5,5 +3,3	4,7 -0,8	7,1 +2,4	5,1 -2,0	9,2 +4,1	16,1 +7,1	16,0 -0,1

⁹ Жадвал Мусаев Б.А. Совершенствование механизма финансового контроля при исполнении Государственного бюджета Республики Узбекистан // Автореферат дисс. на соиск. учен. степени к.э.н. –Т.: БМА, 2009. с. 13 ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2009-2010 йиллардаги тезкор маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, солиқ маъмурчилигининг мураккаб ташкил этилган тизими, фикримизча, солиқ инспекцияси ёки бошқарма-сининг ягона бир хизмати (бўлими) томонидан ҳисоб-аналитик информа-цияларни шакллантиришнинг барча техникавий тартибларини тўлиқ амалга оширишга етарли даражада имкон бермаяпти. Шунинг учун ҳам, бизнинг назаримизда, солиқ маъмурчилиги тизимида ҳисобга олиш функцияларини мукамал ташкил этиш бир неча хизмат бўлимлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Ички ва макродаражада фойдаланиш учун ҳисоботларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашнинг якуний тартибини махсус ҳисоб-аналитик хизмат зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, қуйи солиқ органларида мазкур ихтисослаштирилган бўлимлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш имкониятлари яратилади. Улар реал воқеликда қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин: а) қуйи солиқ органларида ҳисоб-аналитик информацияларни қайта ишловчи ихтисослаштирилган бўлимларнинг ташкил қилиниши кўшимча харажатларни тақозо этмайди; б) қуйи солиқ органларида ҳисоб-аналитик информацияларни қайта ишловчи ихтисослаштирилган бўлимларнинг ташкил қилиниши натижасида бошқарув харажатлари олдингисига нисбатан ошиб кетмайди; в) масалани юқоридаги тарзда ҳал қилиш ишчи ўринлари қисқаришига эмас, балки мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш нуқтаи-назаридан улар сақлаб қолинишининг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади; г) солиқ органларида мавжуд бўлган малакали мутахассисларни қайта ихтисослаштириш улардан янада самарали фойдаланиш имконини беради; д) мутахассислар бандлиги билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади ва ҳ.к.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, муаммоларнинг яна бири солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисоб варақлари карточкаларида акс этиши лозим бўлган маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ акс эттирилмаганлиги билан боғлиқ. Бунинг натижасида айрим солиқ инспекцияларида: а) қонунчиликка мувофиқ солиқ тўловчилар томонидан ҳисобланган ҳамда солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан ўтказилган солиқ ва йиғимлар суммасини аниқлашнинг иложи бўлмаёпти; б) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлов муддати узайтирилган, ундирилиши тўхтатилган ва реструктуризация қилинган суммаларини аниқлашда мураккабликлар пайдо бўлмоқда; в) бюджет маблағларидан фойдаланилгани учун ҳисобланган ва тўланган фоизларнинг суммаларига нисбатан ҳолатни етарли даражада тезликда аниқлаб бўлмаёпти; г) солиқ тўловчи томонидан камайтириш учун ҳисобланган солиқ ва йиғимлар суммалари хусусида тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас; д) қайтариш ёки заҳёт тартибиде қўшилган қиймат солиғининг тикланишида хатоликлар бор; е) солиқлар ва йиғимларнинг ортиқча тўланган қисмини ўз вақтида қайтарилмаганлиги, шунингдек, қўшилган қиймат солиғининг ўз вақтида тикланмаганлиги учун солиқ тўловчиларга ҳисобланган ва қайтарилган суммаларда ноаниқликлар пайдо бўлмоқда ва ҳ.к.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар солиқ маъмурчилиги тизимида ҳисоб-аналитик информацияларни шакллантириш ҳолатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни янада такомиллаштиришда амалиётимизда мавжуд бўлган юқоридаги ҳолатлар ҳисобга олиниши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланиши ва уларга барҳам бериш йўналишида тегишли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши ва муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этилиши лозим.

Солиқ инспекциялари фаолияти сифат даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) мамлакат бюджет тизимида маблағларни жалб қилиш бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилиши; 2) назорат ишларини амалга ошириш жараёнида кўшимча ҳисобланган тўловлар суммаларининг ҳисобот даврида бюджетга тушган суммаларга нисбати; 3) қайта (кўшимча) ҳисобланган суммаларнинг ундирилиш фоизи; 4) амалга оширилиши жараёнида солиқ қонунчилигининг бузилиши аниқланган текширувларнинг салмоғи; 5) бир солиқ текширувига тўғри келадиган қайта (кўшимча) ҳисобланган суммалар. Ана шу кўрсаткичлар тизимида таянган ҳолда конкрет солиқ инспекцияси фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш ва уни ўтган ҳисобот даври ҳамда ўтган йилларнинг шу даврлари билан қиёслаш, яъни динамик ҳолда солиқ инспекциясининг фаолиятига баҳо бериш мумкин.

Солиқ инспекциялари фаолияти сифат кўрсаткичларини характерлайдиган кўрсаткичлардан бири ўтган йилнинг тегишли давридаги даражасига нисбатан бюджетга тушумларнинг ўсиш суръатлари ҳисобланади, (3-жадвал).

3-жадвал маълумотлари мамлакатимиз бюджетига тушумлар ва уларнинг 2006-2011 йиллардаги ўсиш суръатларини характерлар экан, ушбу ўринда бу кўрсаткич ўсиш суръатлари турли йилларда турлича бўлганлигини қайд этиб ўтишимиз лозим. Жумладан, унинг даражаси 2007, 2010 ва 2011 йилларда 23,0-26,0% оралиғида бўлса, 2008 ва 2009 йилларда қолган йиллардан анча юқори бўлиб, мос равишда 39,4% ва 46,6%га тенг бўлган. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги шу жойда маълум бир муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади.

Солиқ инспекцияларига тегишли бўлган кўрсаткичлар таққосланиши уларнинг қайси бири солиқ назоратининг алоҳида йўналишлари бўйича қандай энг юқори кўрсаткичларга эришилганлигини аниқлаш имконини беради. Лекин, бу нарса ўзининг иши натижаларига кўра ёппасига энг яхши натижаларга эришган солиқ инспекциясини аниқлашга имкон бермайди. Бизнинг фикримизча, ана шундай “лидер”ларни аниқлаш учун рейтинг методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, бу метод солиқ инспекциялари ишлари натижалари бўйича солиқ тўловчилар таркиби ва тузилмаси, бир солиқ инспекторига тўғри келадиган юклама каби объектив омиллар таъсирини етарли даражада ҳисобга олаолмайди. Шунга мувофиқ равишда, уларнинг юкласини таққослаш учун солиқ инспекциясига тўғри келадиган шартли юкламани ҳисоблаш керак.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумлар ва
уларнинг ўсиш суръатлари¹⁰**

т/ р	Кўрсат- кичлар	Й и л л а р					
		2006	2007	2008	2009	2010	2011
1.	Давлат бюджетининг даромадлари ¹¹ , млрд. сўмда	4 042,5	5 100,9	7 108,3	10 421,4	13 116,4	16 178,6
2.	Унинг олдинги йилга нисбатан ўсиши:						
	- млрд. сўмда	х	+1 058,4	+2 007,4	+3 313,1	+2 695,0	+3 062,2
	- % да	х	+26,2	+39,4	+46,6	+25,9	+23,3
3.	Унинг 2006 йилга нисбатан ўсиши:						
	- млрд. сўмда	х	+1 058,4	+3 065,8	+6 378,9	+9 073,9	+12 136,1
	- % да	х	+26,2	+75,8	+157,8	+224,5	+300,2

Фикримизча, солиқ органлари фаолиятини баҳолаш методикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши мумкин: 1) назорат ишлари самардорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш; 2) камераль солиқ текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш; 3) жойлардаги солиқ текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш; 4) солиқ органларига солиқ ҳисоботини тақдим этмаган ёки “нолли” ҳисобот тақдим этган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар билан ишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; 5) аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини қўллаш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш бўйича назорат ишларини таҳлил қилиш ва баҳолаш. Бир вақтнинг ўзида, юқорида келтирилган ҳар бир босқичларда фаолият кўрсаткичлари кетма-кет таҳлилини ўтказиш кўзда тутилиши керак.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида солиқ маъмурчилиги борасида ривожланган хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини ўрганишга Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида қараш зарур. Шу нуқтаи-назардан, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш борасидаги

¹⁰ Жадвал диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 декабрдаги ПҚ-244-сонли, 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли, 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1027-сонли, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли қарорлари материалларига мувофиқ тайёрланган.

¹¹ Бюджетдан ташқари мақсадли фондларнинг маблағларисиз.

Швеция тажрибасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бу мамлакатнинг солиқ маъмурчилиги тажрибаси бутун дунёда эътироф этилган. Бир вақтнинг ўзида, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида солиқ тўловчилар билан ишлаш, назорат ишлари ва ҳисоб-аналитик маълумотларни шакллантириш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш талаб этилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида қуйидаги **илмий хулосалар**га келинди:

1. Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда қуйидаги ҳолатларни эътиборга олиш лозим: а) солиқ муносабатлари бошқариш тизими эканлиги; б) давлат солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қилиши; в) солиқ органлари фаолиятларини мувофиқлаштириб туриши; г) функциялари; д) солиқ ҳуқуқи қоидаларига асосланиши; е) предметини солиқ муносабатлари ташкил этиши муҳим роль ўйнайди.

2. Солиқ ҳуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қиладиган, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимига солиқ маъмурчилиги дейилади.

3. Солиқ маъмурчилигининг моҳиятини белгилаб беришда хизмат қилувчи функциялари: а) солиқ муносабатларини режалаштириш; б) солиқ муносабатларини ҳисобга олиш; в) солиқ муносабатларини назорат қилиш; г) солиқ муносабатларини тартибга солишдан иборат.

4. Солиқ тўловчилар билан солиқ органларининг ишини ташкил этиш ҳолатига баҳо бериш учун: а) солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати; б) солиқ тўловчилардан солиқ декларациялари, бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа маълумотларни қабул қилиш самарадорлиги; в) информацион ишлар йўналишларида ишларнинг ташкил этилиш ҳолатини таҳлил қилиб чиқмоқ лозим.

5. Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчилар билан олиб борилган ишларнинг самарадорлигини оширишда замонавий информацион технологияларнинг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади. Қоғозсиз технологияга асосланган автоматлаштирилган тизимга ўтиш солиқ тўловчилар ва солиқ ундирувчилар учун бир қатор афзалликларга эга.

6. Солиқ маъмурчилиги барча функцияларининг муваффақиятли амал қилишини таъминлашда: а) солиқ тўловчилар, солиқ тушумлари ва шунга ўхшашлар тўғрисида ички ҳисоботларни тузиш учун информациялар; б) солиқ органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун информациялар; в) минтақа солиқ тизими салоҳиятини баҳолашда информацияларни ажратиб олиш муҳим роль ўйнайди.

Диссертация ишида солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **илмий тақлиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ички ва макродаражада фойдаланиш учун ҳисоботларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашнинг якуний тартибини махсус ҳисоб-аналитик хизмат зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ.

2. Туман (шаҳар) солиқ инспекцияси юклагасини ҳисоблаш учун “шартли солиқ тўловчи” кўрсаткичидан фойдаланиш керак. Маълум категориядаги солиқ тўловчилар сонини шартли равишда солиқ тўловчилар сонига келтириш учун қайта ҳисоблаш коэффициентидан фойдаланмоқ лозим.

3. Солиқ органлари фаолиятини баҳолаш методикаси ихтисослаштирилган йўналишда кучайтирилиши ва у ушбу органлар фаолиятини комплекс баҳолашга имкон бериши керак.

4. Солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этишдан олинган даромад бевосита солиқ тизими ходимлари фаолияти натижасида бюджетга қўшимча ҳисобланган ва ундирилган суммалардан иборат бўлиши керак. Бунда олинган даромадлар суммалари мамлакат солиқ тизимини сақлаш харажатларидан юқори бўлсагина, унинг қанча катталигига қараб туриб, солиқ маъмурчилигининг қай даражада самарали ташкил этилганлигини баҳолаш зарур.

5. Солиқ тўловлари ортиғи билан тўланган бўлса, ортиқча маблағни устама фоизлари билан эгасига қайтариш тартибини Ўзбекистон амалиётига жорий этиш лозим. Устама фоизнинг даражаси банк кредитининг амалда таркиб топган ўртача фоиз ставкасидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилиши керак. Бунинг учун “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси”нинг 57-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши зарур.

6. Солиқ қонунчилиги асосий мақсадларига эришиш учун солиқ органининг ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш имконини берадиган тизимни янгидан яратиш керак. Бунинг учун ташкилий тузилмада ўзгариш қилиш мақсадида бошқарув ҳисоби ва таҳлили ўрнини қайта кўриб чиқиш, ҳисоб-аналитик функцияларни қайта тақсимлаш, солиқ инспекциялари ишининг самарадорлигини баҳолаш зарур. Солиқ инспекциялари ишининг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган омиллар таркибидан, а) иш натижаларини характерловчи омиллар; б) иш шароитларини характерловчи омилларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ.

7. Солиқ тўловчиларни хабардор қилиш учун телевидение, радио, телефон (жумладан, уяли алоқа телефонлари, “SMS”), телеграф ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан янада кенгрок йўналишда ва масштабда фойдаланиш зарур.

8. Ўз фаолияти натижаларига кўра, ёппасига энг яхши кўрсаткичларга эришган солиқ инспекциясини аниқлаш учун рейтинг методидан фойдаланиш лозим.

9. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари (жумладан, Швеция) тажрибасидан унумли фойдаланиш мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоғи, шу боис, улар учун хос бўлган ҳар бир ҳолатни Ўзбекистонда қўллаш нуқтаи-назаридан таҳлил қилиб чиқмоқ ва улардан

фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгиламоқ лозим. Бунда: а) солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш маълум миқдордаги харажатлар қилиниши ва б) солиқ маъмурчилигини ташкил этиб, ундан қандайдир самарага эришишнинг лозимлиги кўзда тутилиши керак.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Маликов А.Т. Худудлар иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришда солиқ маъмурчилиги // Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 331-333.

2. Маликов А.Т. Солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ишини ташкил этишнинг баъзи масалалари // Мамлакат солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш – иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 36-38.

3. Маликов А.Т. Солиқ маъмурчилиги тизимида ҳисоб-аналитик маълумотларни шакллантириш масалалари // Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы: материалы международной научно-практической конференции. – Тошкент, 2008. – Б. 286-290.

4. Ҳайдаров Н.Х., Маликов А.Т. Солиқ маъмурчилигининг функциялари // Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы: материалы международной научно-практической конференции. – Тошкент, 2008. – Б. 232-238.

5. Маликов А.Т. Солиқ маъмурчилигини баҳолашда қўлланиладиган сифатий кўрсаткичлар ва уларнинг мазмуни // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари: профессор-ўқитувчилар, аспирантлар ва тадқиқотчиларнинг илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2008. – Б. 108-111.

6. Маликов А.Т. Солиқ маъмурчилигимиз ёки солиқ маъмуриятчилиги // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари: профессор-ўқитувчилар, аспирантлар ва тадқиқотчиларнинг илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2008. – Б. 111-112.

7. Маликов А.Т. Солиқ маъмурчилиги сифатини баҳолашнинг баъзи масалалари // Молия. – Тошкент, 2009. -№ 2. – Б.55-58.

8. Маликов А.Т. Солиқ инспекцияси фаолиятининг сифати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. - № 3. – Б.91-93.

9. Маликов А.Т. Солиқ маъмурчилиги тизимида солиқ органларининг назорат ишлари // Иқтисодиётни модернизациялашда солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишдаги солиқ механизмнинг ўрни: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 25-28.

10. Маликов А.Т. Солиқ тўловчилар тўғрисида инфор­ма­цион ресурсларни шакллантириш – жойларда солиқ текширувларини ўтказишга тайёргарлик кўришнинг муҳим босқичи // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, II қисм. – Тошкент, “Iqtisod-moliya”, 2010. - Б. 201-202.

11. Маликов А.Т. Солиқ назоратининг камерал усулини ахамияти ва уни самарадорлигини ошириш йўллари // Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш шароитида солиқ муносабатларини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2010. – Б. 17-18.

12. Маликов А.Т. Реал сектор корхоналари ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг солиқли тартибга солиш шакллари // Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ва инқироздан кейинги барқарор ривожланишни таъминлашда банк-молия тизимининг ўрни: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, “Молия”, 2010. – Б. 393-397.

13. Маликов А.Т. Солиқ маъмурчилиги тизимида жойларда солиқ текширувларини амалга ошириш масалалари // Молия. – Тошкент, 2010. -№ 2, – Б. 56-60.

14. Маликов А.Т. Жойларда солиқ текширувларини ўтказишга тайёргарлик кўришнинг айрим масалалари // Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, ТМИ, 2011. – Б. 96-97.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Маликов Абдуллажон Тоҳировичнинг 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича «Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: солиқ тизими, солиқ органлари, солиқ маъмурчилиги, солиқлар, солиққа тортиш, солиққа тортиш механизми.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари фаолияти.

Ишнинг мақсади: иқтисодий-модернизациялаш шароитида солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, иқтисодий-статистик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг назарий асослари тадқиқ қилинган, солиқ тизими самарадорлигини оширишда унинг ўрни баҳоланган ва солиқ маъмурчилиги ривожланиш тенденциялари аниқланган; мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини ташкил этиш ҳолати таҳлил қилинган ва мавжуд бўлган муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган; ҳозирги шароитда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқланган; солиқ маъмурчилигининг моҳияти очиқ берилган, унинг характерли белгилари аниқланган ва унга такомиллашган муаллифлик таърифи берилган; солиқ маъмурчилиги функцияларининг мазмуни очиқ берилган, ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва уларни тасниф-ловчи чизмалар ишлаб чиқилган; солиқ маъмурчилиги ташкил этилишининг ҳолати баҳоланган, муаммолари ва уларнинг вужудга келиш сабаблари аниқланган; илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва иқтисодий-модернизациялаш талабларидан келиб чиққан ҳолда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий жиҳатдан асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишининг илмий таклиф ва амалий тавсияларидан солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги», «Солиқ муносабатларини оптималлаштириш» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Давлат солиқ қўмитаси, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации **Маликова Абдуллажона Тохировича** на тему: **«Пути эффективной организации и совершенствования налогового администрирования в Узбекистане»** на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности **08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»**

Ключевые слова: налоговая система, налоговые органы, налоговое администрирование, налоги, налогообложение, механизм налогообложения.

Объекты исследования: деятельность Государственного налогового комитета Республики Узбекистан и его нижестоящих органов.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на эффективную организацию и совершенствование налогового администрирования в условиях модернизации экономики.

Методы исследования: наблюдение, обобщение, группировка, сравнение, экономико-статистические.

Полученные результаты и их новизна: исследованы теоретические основы эффективной организации и совершенствования налогового администрирования, определены его место и роль в повышении эффективности налоговой системы, выявлены характерные тенденции его развития; осуществлен в различных аспектах анализ современного состояния организации налогового администрирования в нашей стране, определены имеющиеся проблемы и пути их решения; определены основные направления эффективной организации и совершенствования налогового администрирования в современных условиях; раскрыта сущность налогового администрирования, определены его характерные черты, дано усовершенствованное авторское определение; освещено содержание функций налогового администрирования, определены особенности и разработаны схемы их классификации; основываясь на передовой опыт развитых зарубежных стран, а также требований модернизации экономики разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на эффективную организацию и совершенствование налогового администрирования.

Практическая значимость: научные предложения и практические рекомендации диссертационной работы могут применяться для эффективной организации и совершенствовании налогового администрирования .

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные научные результаты исследования приняты Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан для внедрения на практике. Материалы диссертационной работы могут быть использованы в совершенствовании учебных программ курсов «Налоги и налогообложение», «Единство бюджетно-налоговой политики», «Оптимизация налоговых отношений» и в процессе их преподавания в высших учебных заведениях.

Область применения: Государственный налоговый комитет, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Malikov Abdullajon Tokhirovich on the scientific degree competition of the candidate of science in economics on speciality 08.00.07-“Finance, money circulation and credit”, subject: “Ways of effective organization and improvement of tax administration in Uzbekistan”

Key words: tax system, tax bodies, tax administration, taxes, taxation, taxation mechanism.

Subjects of research: activity of State tax committee of the Republic of Uzbekistan and its subordinate bodies.

Purpose of work: development of scientific proposals and practical recommendations, oriented to effective organization and improvement of tax administration.

Methods of research: supervision, generalization, grouping, comparing, economic and statistic.

The received results and their novelty: studied theoretical bases of effective organization and improvement of tax administration, determined its place and role in promotion of effectiveness of tax system, revealed typical tendencies of its development; conducted in various aspects the analysis of modern state of organization of tax administration in our country; determined available problems and ways of their resolution; determined and scientifically grounded the directions of effective organization and improvement of tax administration in Uzbekistan in modern conditions and in next prospects; based on up-to-date experience of developed foreign countries and changes for the last years occurred in social-economic life of the country, as well as taking into consideration the results of conducted analysis, were worked out scientific proposals and practical recommendations oriented to effective organization and improvement of tax administration in Uzbekistan.

Practical value: scientific proposals and practical recommendations of dissertation work may be applied for effective organization and improvement of tax administration.

Degree of embed and economic effectivity: basic scientific results of research are accepted by State tax committee of the Republic of Uzbekistan for implementation in practice. Materials of dissertation work may be used for improvement of academic programs of following courses”; “Taxes and taxation”, “Unity of budget-tax policy”, “Optimization of tax relations” and in the process of teaching them in institutions of higher education.

Field of application: State tax committee, institutions of higher education.